O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 3 июнь № 117 (3392) Пайшанба



Олий Мажлисда

## Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

Кеча Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг Жиззах вилоятидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишда ёшларнинг билим олиши, меҳнат қилиши, саломатлигини яхшилаши ва спорт билан шуғулланишига оид ҳуқуқларини рўёбга чиқариш юзасидан вилоятда муайян ишлар олиб борилаётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, ёш тадбиркор, фермерларга 1300 миллион, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар ва ёш оилаларга 87 миллион сўмдан зиёд кредитлар берилган.

Шу билан бирга, қўмита ишчи гуруҳи томонидан назорат-таҳлил жараёнида аниқланган камчилик ва муаммоларга ҳам алоҳида урғу берилди. Мисол учун, ташкилот ва таълим муассасаларининг мутасадди шахсларида мазкур Қонун тўғрисида тўлиқ тасаввур йўқ. Бу муаммоларнинг ҳал этилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўсмирлар саломатлигига келсак, кейинги йилларда камқонлик касаллигига чалинганлар сони ортаётгани кузатилаяпти. Уларнинг 76 фоизи соғломлаштирилган, холос. Бундан ташқари, айни пайтда вилоят бўйича вояга етмаган ёшларнинг ҳеч жойда ўқимай ва ишламай юрганлари сони 413 нафарни ташкил этади. 49 нафар ўқувчи эса ўқишдан бўйин товлаган. Оқибатда ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари кўпаймоқда.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Расмий хабарлар

### *СЛОВАКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ*

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ф.АРЗИЕВ).***

Мамлакатимизга ташриф буюрган Словакия Республикаси божхона дирекцияси бош директори Жозеф Гонзол раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Баҳодир Матлюбов билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида, барча жабҳаларда бўлгани каби, божхона соҳасида ҳам ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Томонлар алоқаларни янги поғонага кўтаришга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Меҳмон Ўзбекистон ҳукумати божхона тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганини алоҳида қайд этди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Словакия Республикаси ҳукумати ўртасида божхона соҳасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида битим имзоланди.

Мазкур ҳужжатда божхона соҳасида тажриба алмашиш, бунинг учун ўзаро ташрифларни амалга оширишга, техникавий ёрдам кўрсатишга, шунингдек, гиёҳванд ва психотроп моддалар ҳамда прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда бир-бирига кўмаклашишга доир масалалар назарда тутилган.

### *МУҲИМ УЧРАШУВ ОЛДИДАН*

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ян Хуанин 2 июнь куни Ўзбекистон ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Тоҳир Муллажонов билан учрашди.

Суҳбат чоғида Тошкентда ўтажак ШҲТ саммитига тайёргарлик, икки мамлакатнинг хавфсизликни таъминлаш, терроризмчиликка ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлиги ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

## СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, БОЛАЖОН!

***Вазирлар Маҳкамасининг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2004 йил 27 январдаги қарорига мувофиқ тасдиқланган "Меҳр ва мурувват йили" дастурида фарзандларимиз манфаатларига йўналтирилган талай муҳим чора-тадбирлар кўзда тутилган ва улар айни чоғда ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.***

"Бахт-иқбол ҳуқуқига эгаман" шиори остида ўтган ушбу танловнинг мақсади фуқароларимизда Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардаги мавжуд аҳволга шахсий масъулиятни оширишга қаратилди.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида якунланган танловда "Ота-она излайман" кўрсатувлар туркуми учун "Ёшлар" телеканали биринчи ўринга муносиб топилди. "Ўзбекистон" телеканали "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" ва "Сен ёлғиз эмассан" кўрсатувлар туркумлари учун иккинчи ўринни, Фарғона вилояти телерадиокомпанияси "Бахт-иқбол ҳуқуқига эгаман", шунингдек, "Ёшлар" телеканали "Сен ёлғиз эмассан" кўрсатувлар туркумлари учун учинчи ўринни эгаллади.

"Ёшлар" телеканали ўзининг "Бу қачонгача давом этади?" мавзуидаги ижтимоий ролиги учун совринли ўринни олди.

Энг яхши радио эшиттиришлари туркуми учун — "Ўзбекистон" радиоканали катта муҳаррири Саида Зокирова биринчи ўринга, "Ёшлар" радиоканали муҳаррири Сайёра Ербоева ва "Ўзбекистон" радиоканалининг Сурхондарё вилояти мухбири Нортожи Зиёев иккинчи ўринга, Қорақалпоғистон Республикаси радиоси муҳаррири Дилбар Қидирниёзова учинчи ўринга лойиқ топилди.

Матбуотда ва Интернет нашрларда эълон қилинган энг яхши мақолалар туркуми бўйича ҳам ғолиб муаллифлар аниқланди — "Ватанпарвар" газетаси мухбири Зулфия Юнусова биринчи, Ўзбекистон телевидениеси мухбири Муҳтарама Улуғова ва "Правда Востока" газетаси мухбири Тимур Низаев иккинчи, "Қибрай садоси" газетаси мухбири Гулнора Аҳмедова ҳамда "Қашқадарё" газетаси мухбири Валентина Марценяк учинчи ўринга сазовор бўлди.

Энг яхши шеърий ва насрий асарлар муаллифлари сифатида "Амударё" журналининг 2004 йил 1-сонида чоп этилган "Алла эшитмаган болалар" эссеси учун қорақалпоғистонлик ёзувчи Аламберген Нурниязов ва "Ўзбекистон" радиоси орқали эшиттирилган "Бағрим ўртар бола сўроғи" шеърий туркуми учун шоира Муҳайё Мирсаидова биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Қўқон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Эътиборхон Мадраҳимовага бошловчи қаламкаш сифатида яратган машқлари учун иккинчи ўрин насиб этди.

Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Раҳмонберди Исломов эса энг яхши фотосурат ва фоторепортажлари учун фототанлов ғолиби бўлди.

Танлов меҳр-мурувватга муҳтож болаларнинг ёлғиз эмаслиги, умуман, юртимиз аҳлининг бағрикенг, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли эканининг яна бир ўзига хос ифодаси бўлди.

**Ғулом АБДУРАҲИМ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



### Истиқболга интилаётган корхона

*"Маданият-Интернешнл" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси Пахтаободдаги иқтисоди юксалиб бораётган корхоналар сирасига киради. Айни пайтда бу ерда ўн турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётир. Корхонада меҳнат қилаётган 150 нафардан зиёд ишчи хизматчиларнинг кўнгилли меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун барча шароит яратилган. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар арзон, сифатли ва кўркамлиги билан бошқа корхона маҳсулотларидан ажралиб туради. Айни кунларда корхонада мамлакатимизда фаолият юритаётган барча қўшма корхоналар ишчилари учун махсус кийим-бошлар тайёрланаётир.*

*Қўшма корхона нафақат ички бозорга, балки хориж учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Яқиндан бошлаб АҚШнинг "Волмарт" савдо компаниясига эркаклар кийим-бошлари экспорт қилиш йўлга қўйилди.*

**СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Дилбарой Аҳмедова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

### *Элликқалъанинг «кумуш тола»си*

Мамлакатимизнинг шимолий минтақаси — Қорақалпоғистонда давлатга пилла топшириш қизғин давом этаётир. Кеча элликқалъалик "кумуш тола" ижодкорлари 109 тонна пилла топшириб, шартнома режасини бажардилар. Айниқса, тумандаги Ғани Одилов номли, "Тозаамиробод", "Қиличиноқ" ширкат хўжаликлари пиллакорлари юқори натижага эришдилар, — дея хабар беради мухбиримиз Я. Қўчқоров. — Шунингдек, Тўрткўл, Беруний туманлари пиллакорлари ҳам йиллик режани шараф билан бажардилар.

## ЮРТГА МУНОСИБ ФАРЗАНД

### ўз миллатини улуғлаш учун яшайди

Ажойиб халқимиз бор. Дунёда мисли йўқ анъаналар таркиб топган маҳаллаларга эгамиз. Бизда ҳаётнинг пасту баландини кўрган, аччиқ-чучугини тотган ёши улуғ одамларга етарли ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Ёшларга таққосланганда, бундайлар «Сендан кўра беш-олти кўйлакни кўп йиртган» деган таъриф айтилади. Эл-юрт назаридаги одамлар азалдан маҳалла-кўйдаги ёшларнинг қандай тарбияланаётганлигига бефарқ бўлишмаган. Лекин кейинги йилларда, цивилизациянинг таъсирими ёки бошқа омиллар сабабми, ўғил-қизларимиз хулқи, юриш-туриши эътибордан сал четда қолгандай. Президентимиз ножўя кўчаларга кириб қолган болалар ҳам ойдан тушмаган, ўз фарзандларимиз, деб тўғри айтдилар. Демак, тарбия жабҳасидаги хатоларимиз ҳаётимизда акс этмоқда.

Тасаввур қилинг: ҳали катта ҳаётга қадам қўймаган болакайнинг қалби бўм-бўш. Унга эзгулик уруғини эксангиз, яхши мева беради. Лекин буни унутсангиз, улар тақдир ҳукмига ташлаб қўйилса, натижа ҳам бошқача бўлади. Эътибордан четда қолган қалбларга чанг қўниши, уларни ғубор қоплаши эҳтимоли кўпроқ. Демак, ёшлар тарбияси — миллат тақдирига дахлдор масала. Шу боис хонадонда ўсаётган бола фақат ота-онагагина эмас, бутун жамиятга тааллуқлидир.

***Маърифат соати***

Фарзандларимизнинг қайси йўлдан юриши — бунёдкорлик ёки вайронкорлик кўчасига кириши — уларнинг маънавий олами, руҳий дунёси қандай шаклланишига боғлиқ. Агарки биз эзгулик устун бўлишини истар эканмиз, болаларимиз онгида ўз халқимиз табиатида яшаб келаётган ўлмас қадриятлар, баркамол фазилатлар барқ уриши учун жон куйдиришимиз керак. Биз қандай буюк миллатга мансуб эканлигимизни фарзандларимиз яхши билишадими? Бу борада нафақат билиш, балки ғурурланиш, фахрланиш муҳимдир. Кўнглида ғурур жўш урган одам эса ҳеч қачон ёвуз ниятни онгига сиғдиролмайди.

Миллий ғурурга оид бир мисол. Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида мамлакатимиз терма жамоаси дунёнинг бошқа бир мамлакатидан келган команда устидан ғалаба қозонди. Ишқибозларимизнинг кўнглида қандай қувонч жўш уришини тасаввур қила оласиз. Хўш, бунчалик тантанага сабаб нима? Гап шундаки, биз Ватан деб эъзозлаган она юртимиз йигитлари бошқалардан кучли эканлигини, Ўзбекистон ғолиб бўлганлигини бутун дунё эшитди. Бундан қувонмай бўладими?!

Дастгоҳларда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифат жиҳатидан бошқаларникидан устун туриши, демак, муносиб қадрланиши, умуман Ватанимиз куч-қудрати юксалишига оид ҳар бир ижобий натижа, ютуқ бизни, спортдаги ғалаба каби, қувонтириши керак. Бунинг учун фақат ишқибозликнинг ўзи кифоя эмас. Ҳар жабҳада ғалаба завқини туйиш учун ҳар бир фуқаро шахсий ҳиссасини қўшиши талаб қилинади. Миллатни улуғлаш учун, аввало, кўнгилда эзгу ниятлар, самимий туйғулар туғён уриши лозим.

Ҳаётда адолат тарозиси шундай яратилганки, ўз Ватани, ўз халқи учун жон куйдирган, эл ишига қайишган одамлар, ҳеч қачон кўпчилик томонидан эътироф қилинмай қолмаган. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Денов туманида яшаётган фермер Аҳмад Нарзуллаев. Шу инсоннинг меҳнатидан вилоятда юзлаб, минглаб одамлар баҳраманд бўлишяпти. У киши бунёд этган мактаб, тиббий муассасаларда қанчалаб юртдошларимиз эҳтиёжларини қондиришяпти. Аҳмад фермернинг кўксида Ватанимизнинг олий нишони — «Ўзбекистон Қаҳрамони» олтин медали порлаб турибди. Мен ҳам шундай эл-юрт назарига тушсам деб, эзгу ниятни кўнглига жойлаган инсонларнинг саноғи йўқ. Минг шукурки, юртимизда шундай фидойи инсонлар жуда-жуда кўп. Бу ҳам ғурур. Бу ҳам ўз халқидан фахрланиш. Кимнинг кўнглидан шу туйғу жой олса, ёмон йўллардан нари юради.

Агар юртимизнинг ҳар бир фуқароси шундай ёруғ ниятларни кўнглига тугиб интилса, ҳаракат қилса, Ватанимиз обод бўлади, демак, ўзбек миллати шаъни янада юксалади. Шундай шарафли ишга улуш қўшишдан олий бахт борми?! Агар бунга амал қилсак, беҳуда яшамабман, инсон номини оқладим, деб хулоса чиқариш мумкин.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

***Китоб савдоси: қарор ва ижро***

## БОЗОР БОҚИМАНДАЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

***Китоб инсоният тарихида яратилган энг буюк мўъжизалардан биридир. Асрларки, у ҳар жиҳатдан баркамол, юксак маънавият ва салоҳият соҳибларининг шаклланишида одамзотнинг яқин дўсти, беминнат устози, ажралмас ҳамкори бўлиб келди. Фикрлаш уфқларини кенгайтириб, тафаккурни теранлаштирди, тараққиётнинг янгидан-янги мўъжизаларига ошно этди. Китобнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, аҳамияти ҳозирги даврда ҳам ошса ошаяптики, сусаймаяпти. Замондошларимизнинг унга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ҳам камайган эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шу эҳтиёжларни қондириш, бозор муносабатларига ўтиш даври билан боғлиқ бу борадаги муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб берганлиги билан аҳамиятлидир. Биз мазкур муҳим ҳукумат ҳужжатининг ижроси Навоий вилоятида қай даражада таъминланаётганлиги билан танишишни келажагимиз эгалари бўлган ўғил-қизлар таҳсил олаётган мактаблардан бошладик.***

Навоий шаҳридаги Усмон Носир номли 7-умумтаълим ўрта мактабида 1025 нафар ўқувчи таълим олади. Илм даргоҳи раҳбари Абдуғани Саъдинов уларни зарур дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашда сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бераётганлигини мамнунлик билан таъкидлади.

— Биргина муаммо қолди, — дейди мактаб раҳбари. — У ҳам бўлса дарсликларнинг нашриётлар томонидан ўз вақтида етарли даражада чоп этилишига улгурилмаётганлигидир. Бу масала ҳам тез орада ҳал бўлиб қолар...

— Вилоят «Китоб» акциядорлик жамияти ва «Таълимсавдо» ташкилоти орқали 350 миллион сўмлик дарсликлар келтириб тарқатилди, — деди вилоят халқ таълими бошқармасининг дарсликлар ва ўқув адабиётлари бўлими бошлиғи Жуманазар Қўчқоров. — 2003-2004 ўқув йили учун вилоятдаги 186 минг нафардан ортиқ 2-11-синф ўқувчиларининг дарсликларга умумий эҳтиёжи 2 миллион 325 минг 694 нусха бўлиб, улар шунча миқдордаги дарсликлар билан тўла таъминланган. Ижобий натижаларга эришилишида вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан туман ва шаҳарларда мунтазам равишда ўтказилаётган «Мактаблар куни»да ушбу масаланинг қатъий қўйилиши, ҳал этилишининг аниқ амалий йўллари белгиланганлиги катта ёрдам бермоқда. Шу туфайли вилоят мактабларидаги 363 та кутубхонанинг китоб фонди ҳам тобора бойиб бораяпти.

Вилоят маданият ишлари бошқармаси тизимидаги 253 та, жумладан Абдулла Қодирий номидаги вилоят марказий ҳамда болалар кутубхонаси, 10 та туман ва шаҳар, 227 та тармоқ, 13 та болалар, учта кўзи ожизлар кутубхонасининг умумий китоб жамғармаси қарийб 1,9 миллион нусха турли-туман адабиётлардан иборат. Китобхонларга 434 нафар ходим хизмат кўрсатади. Уларнинг асосий қисмини олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар ташкил этади. Кутубхоналар фонди мунтазам равишда бойитиб борилаяпти. Шу мақсадда яқиндагина 10 миллион сўмлик адабиётлар сотиб олинди. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида 279 та кўчма кутубхона фаолияти йўлга қўйилган.

Навоийлик китобсеварларнинг талаб ва эҳтиёжларини чакана савдо орқали қондириш юзасидан қарор талаблари асосида қандай ишлар қилинаяпти, бу борадаги муаммолар нималардан иборат? Ана шу ва бошқа саволларга жавоб топиш истагида китоб дўконлари томон йўл олдик. Навоий шаҳри марказидаги Халқлар дўстлиги ва Ўзбекистон кўчаларидаги бир вақтлар фаолият кўрсатган учта йирик китоб дўконларини бу гал топа олмадик. Уларнинг янги соҳиблари аҳолининг маънавий эмас, моддий эҳтиёжларини қондириш билан шуғулланишаяпти. Лекин Ўзбекистон кўчасида ишлаб турган собиқ ихтисослашган техник адабиётлар дўконининг мўъжазгина қисмида «Шарқ зиёкори» АЖга қарашли савдо жойи аж-

**(Давоми 2-бетда).**

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юристлар малакасини ошириш марказида судьялар мустақиллигига бағишланган семинар бўлди. Унда жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича судьялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.***

***СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ:***

## МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Ушбу тадбир Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳалари босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда ва бу янгиланишларнинг таркибий қисмларидан бири суд-ҳуқуқ ислоҳотларидир. Ушбу кенг қамровли жараёнларда, аввало, соҳага доир ҳуқуқий негизни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Анжуманда таъкидланганидек, бу борада янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари суд ҳокимиятининг мустақил ҳокимият тармоғи сифатида қарор топишини таъминлади. Айни чоғда одил судловнинг самарадорлигига эришишда судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд ҳокимиятининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ривожлантиришга доир масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуман иштирокчилари судьялар мустақиллигига оид масалалар юзасидан халқаро, хорижий ва миллий тажриба билан танишдилар. Хусусан, Ф.Эберт номидаги жамғарма таклифига биноан юртимизда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестаги депутати, ГФРнинг собиқ адлия федерал вазири Герта Дойблер-Гмелин хоним тадбир қатнашчиларига бу борада ўз мамлакатида орттирилган тажриба тўғрисида сўзлаб берди.

Анжуманда ГФРнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Хеккер иштирок этди.

**(ЎзА).**

# БОЗОР БОҚИМАНДАЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ратишни ҳам унутишмабди. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори саккизинчи бандида аниқ-равшан қилиб, «... икки ой муддатда илгари хусусийлаштирилган китоб дўконлари томонидан савдо ихтисоси сақлаб қолиниши тўғрисида тузилган шартномаларга риоя этилишини хатловдан ўтказиш, қоида бузилиши аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи давлат далолатномасидан белгиланган тартибда маҳрум қилишгача бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар қўллансин» дея таъкидланган.

Шаҳардаги 10-даҳа тижорат бозорида жойлашган Роҳат Ҳайитованинг хусусий китоб дўконидан одам аримайди. Шинамгина савдо нуқтаси жавонларидаги турли йўналишдаги адабиётлардан ўзларига керагини танлаб олаётган кўплаб китоб шинавандалари, адабиёт ихлосмандларини учратиш мумкин эди бу ерда.

— Сизнинг дўконингизда китоблар бошқа жойлардагидан анча арзон экан, — дейди қўлида Муҳаммад Юсуфнинг «Сайланма»сини тутган талаба қиз қувончини яширмасдан.

— Адабиётларни асосан мижозларимиз сўровига биноан, «Шарқ зиёкори» акциядорлик жамияти билан тузилган шартнома бўйича келтириб сотаяпмиз, — дейди дўкон бекаси. — Шунинг учун улар туриб қолмайди, доимий равишда янгиланади. Ҳар ойда ўрта ҳисобда тўрт юз-тўрт юз эллик минг сўмлик китоблар сотаяпмиз.

Ушбу дўкондан озгина наридаги «Ёш куч» журнали тарғибот марказига қарашли китоб дўконида эса ҳозиргина гувоҳ бўлганимизга тескари ҳолатнинг устидан чиқдик. Дўкон саҳни ўта торлигидан турли адабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, плакатлар тартибсиз равишда, устма-уст қалаштириб ташланган. Аҳён-аҳёндагина кириб чиқаётган харидорлар сўраган китобларни улар орасидан топиб бериш сотувчига қийинчилик туғдирмасдан қолмасди.

— Мижозларнинг талаб-истаклари, буюртмалари асосида китоблар келтириб сотишга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди сотувчи Сайфулла Шокиров. — Бошқа иложимиз ҳам йўқ. Очиқ жойда сотсак, маҳсулот сифати ёмонлашади. Назаримда, китоб савдоси иккинчи даражали ишга айланиб қолгандек. Қанийди, китоб дўконлари ҳам озиқ-овқат дўконлари сингари сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам барча қулайликларга эга биноларда жойлашса.

Шаҳар бозорларида китоб савдоси билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларнинг расталаридан эса асосан шарқона ахлоқ-одоб ва халқимиз табиатига зид сюжетлар асосига битилган, яъни бозори чаққон «адабиётлар» ўрин олган.

— Бундай «асарлар»нинг аксарияти уларнинг асосий харидорлари ҳисобланган, дунёқараши тўлиқ шаклланиб улгурмаган ёшлар фикрини чалғитиш, маънавиятини қашшоқлаштириш, қолаверса, онгини заҳарлашга хизмат қилишидан кўз юмиб бўлмайди, — дейди бу ерда касбига оид техник адабиётларни қидираётган қурувчи-муҳандис Ислом Ботиров. — Аммо тадбиркорларни савдодан тушадиган даромадгина қизиқтиради, холос.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига биноан, вилоятда китоб дўконлари тармоғини қулай тарзда жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, китоблар ва бошқа босма маҳсулотлар жойлардаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг сотилишини ташкил этиш «Ўзкитобсавдо» ДАКга қарашли Навоий вилояти «Китоб» акциядорлик жамияти зиммасига юклатилган. Лекин жамият мутасаддилари бунинг уддасидан чиқа олмаяпти. Қарор ижросини таъминлаш номигагина амалга оширилмоқда. Қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, вилоят туманларида «Китоб» акциядорлик жамияти томонидан янгидан еттита китоб дўкони очилиб, ишга туширилиши, уларнинг жами сони 11 тага етказилиши керак эди. Аммо бугун вилоятда «Китоб» АЖ таркибида бор-йўғи учта китоб дўкони ишлаяпти. Тўғри, янгидан очиладиган дўконлар учун жой ажратилган.

**_Лекин шуниси ажабланарлики, Томди туманида 1938 йилда қурилган мактаб спорт залининг ечиниш-кийиниш хонасини, Хатирчида Ибн Сино номли ширкат хўжалигида жойлашган ФАПнинг битта хонасини, Конимехда туман халқ таълими бўлими биносидаги электр ускуналари ўрнатилган хонани, Навбаҳорда эски касб-ҳунар коллежи биносининг қоровулхонасини, Нуротада эса стадионнинг қоровулхонасини китоб дўконларига айлантириш мумкин, деган хулосага келишди._**

Вилоят акциядорлик жамияти раиси Айше Идрисованинг сўзларига қараганда, архитектура ва санитария талабларига мутлақо жавоб бермайдиган, умумий қиймати 3285 минг сўм этиб баҳоланган ушбу биноларни бошқасига алмаштириш ёки белгиланган тартибда сотишга рухсат олиш оғир кечмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш, табиийки, пул маблағларига боғлиқ. Акциядорлик жамияти эса бўғзигача қарзга ботган. 2002 йилда кредиторлик қарзлари 9048 минг сўмни, дебиторлик қарзлари 1736 минг сўмни ташкил этганди. 2004 йилнинг бошига келиб, бу «юк» бироз енгиллаштирилди. Кредиторлик қарзлари 3647 минг сўмга, дебиторлик қарзлари 737 минг сўмгача камайтирилди. Айше Мустафоевнадан бундай ноxуш аҳволга тушиб қолишнинг сабабларини сўрадик.

— Иқтисодий таназзул 1996 йилдан бошланди, — деди суҳбатдошимиз. — 1998 йилда мактаб дарсликларининг эркин савдосига руҳсат берилгач, ҳолимиз янада танглашди. Тадбиркорлар турли йўллар билан дарсликларни келтириб сота бошлашди. Бундан аввал эса уларни сотиш бюджет ҳисобидан 15-17 фоиз чегирма билан ташкилотимиз орқали амалга ошириларди. Шу ҳисобдан даромад шаклланар, китоблар фондини янгилаб борардик. Асосий истеъмолчиларимиз ҳисобланиб келинган вилоят халқ таълими, маданият ишлари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган дарсликлар, адабиётлар ва қўлланмаларни эркин савдо орқали харид қила бошлагач, қарзларимиз кўпая борди. Вазиятдан чиқиш учун қилаётган ҳаракатларимиз кутилган самарани бермаяпти. Масалан, 1997-1998 йилларда китоб савдосини бюджет ҳисобидан сотиш ва 15 фоиз чегирма туфайли ўртача 7-8 миллион сўм даромад олинар эди. 2003-2004 ўқув йилида вилоят мактаблари учун 298 миллион сўмлик китоб сотишдан бир фоиз чегирма ҳисобига 2,09 миллион сўм фойда олдик, холос. У ҳам бўлса, қарзларимизни қоплашга, солиқларни тўлашга сарфланди. Бундан ташқари, савдо нуқталари фаолиятини ошириш учун ҳар ойда барча нуқталар учун лицензия олишимиз зарур. Унинг баҳоси кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилувчи дўконларники билан тенглаштирилган ҳолда белгиланганлиги, бизнингча, адолатдан эмас. Натижада ходимларимизнинг ойлик маошларини тўлаш учун ҳам ҳисобимизда пул қолмаяпти.

Масъул раҳбар фаолиятдаги сусткашликнинг асосий сабабларини ана шулар билан изоҳлайди. Аҳволни яхшилаш юзасидан қилинаётган ишлар кутилган самарани беришига ишонгимиз келади. Бунинг учун нашриётлар билан шартномалар тузилиб, буюртмалар асосида китоблар келтириб сотилиши зарур. Нашриётлар эса текинга маҳсулот бермайди, олдиндан нашрлар қийматининг 15 фоизи миқдорида пул тўланиши шарт.

— Айни пайтда яна асосий буюртмачиларимиз бўлиши кутилаётган вилоят халқ таълими, маданият ишлари, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари, бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўрганилиб, улардан буюртмалар олиб, нашриётлар билан шартномалар тузиш устида ишлаяпмиз, — дейди акциядорлик жамияти раҳбари. — Шундай қилиб, йилнинг иккинчи ярмига қадар иқтисодий аҳвол бирмунча яхшиланиб, зиммадаги вазифаларни уддалаш учун имконият яратилади.

Биз ҳам шундай бўлишини жуда истардик. Лекин бунга ишониш қийин. Негаки, акциядорлик жамиятида ишлар ўз оқими бўйича бораётганлиги, изчил дастурга асосланмаганлиги кўриниб турибди. Бу ерда ҳатто соҳа ривожини таъминлашга йўналтирилган юқоридаги ҳукумат қарорини бажариш юзасидан амалга оширилиши белгиланган тадбирлар ва ишлар режаси ҳам йўқ экан. Шу ҳақда сўраганимизда, на раис, на бош ҳисобчи, на омбор мудири тайинли жавоб бера олмади. Фақат 2004 йилга мўлжалланган бизнес-режа борлигини эслаб қолишди. Лекин бу режа ҳам қоғоздан амалга кўчмаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, акциядорлик жамияти раҳбар ва мутахассисларининг боқимандалик кайфиятидан қутулишлари осон кечмаяпти. Аксинча, вилоятдаги китоб савдоси соҳасида бундай ачинарли вазият вужудга келмаган бўларди.

Биз хоҳлаймизми-йўқми, иқтисодиётнинг бозор муносабатлари рақобатга асосланган. У ҳар бир раҳбардан янгича шароитда эпчилроқ бўлишни, тинимсиз изланиб ишлашни, бозорга хос ва мос йўлдан боришни талаб қилади. Навоий вилояти «Китоб» акциядорлик жамияти раҳбар ва мутахассислари буни англаган ҳолда ишлаб, китоб бозоридан ўзларининг муносиб ўрнини топиши лозим.

**Эсиргап БОЛИЕВ, Олим ХЎЖАЕВ.**
**Навоий вилояти.**

---

**_БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонасида “Ҳаёт учун далиллар” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда республикамиз вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди._**

## ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мустақилликнинг илк йилларидан ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини қайд этди. Оила, оналик ва болалик муҳофазасига қаратилган қатор давлат дастурлари ҳамда кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бунинг исботидир.

Ўзбекистон Республикаси билан ЮНИСЕФ ўртасидаги Ҳамкорлик дастури доирасида чоп этилган “Ҳаёт учун далиллар” китобини тайёрлашда БМТнинг Болалар жамғармаси билан бирга Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, ЮНЕСКО, ЮНФПА, БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар иштирок этди.

Китобда ота-оналар, мураббийлар, ёшлар ва шифокорлар учун болалар ҳаёти, саломатлигини асраш ва яхшилашга оид тиббий маълумотлар тақдим этилган. Икки юзга яқин давлатда нашр этилган мазкур китобдаги маълумотлар энг сўнгги илмий тадқиқотларга асосланган. Улар мутахассислар томонидан содда, равон ва барча учун тушунарли тарзда баён этилган.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўзбек тилига таржима қилиниб, миллий қадриятлар ҳисобга олинган ҳолда нашр этилган.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

_Кўргазма_

# Кўзга айланган кўнгил

Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши қарияларга, ногиронларга, болалар уйи тарбияланувчиларига бўлган эътиборни янада кучайтирди. Қолаверса, ёшларга алоҳида муносабат, уларни қўллаб-қувватлаш, истеъдодларни танлаш ҳам бугунги куннинг энг эзгу вазифаларидан биридир. Ана шундай тадбир Ўзбекистон марказий кўргазмалар залида ташкил этилди. Кўргазманинг эътиборли томони шундаки, унда республика кўзи ожиз болалар мактаб-интернатининг ўқувчилари томонидан олинган суратлар намойиш этилди. Унда иштирок этиб, кўзи ожиз болаларнинг ёруғликни, атроф оламни тасаввур қилишларидан ҳайратландик.

Кўргазмага қўйилган суратлардан бири хонада олинган бўлиб, унда деразанинг ярмини парда тўсган, очиқ ярми томонидан шаҳарнинг бир қисми кўриниб турибди. Қуёшнинг уфққа ботиши гўзал тарзда суратга олинган. Яна бир сурат «Бу менинг хонам» деб номланади. Унда китоблар жавони, гултувакда ўстирилган чиройли гуллар, деворга осиғлиқ «Бола кўтарган аёл» сурати аниқ тасвирга тушган. Кўргазмага суратлари қўйилганлардан бири мактаб-интернатнинг собиқ ўқувчиси, ҳозирги кунда ЎзМУнинг немис тили филологияси факультети битирувчиси Александр Злодеевдир.

— Александр дастлаб оқ-қора суратлар олишдан ижод қила бошлаган, — дейди унинг отаси. — Мана бу суратлар ҳайвонот боғида олинган. Саша ҳайвонот дунёсига жуда қизиқади.

— Кечирасиз, ўғлингиз, оз бўлса-да, кўра оладими ёки суратга олишда кимдир ёрдам берадими?

— Афсуски... кўрмайди. У товуш ёрдамида масофани аниқлаб ишлайди. Шундай бўлса-да, у ёрдамга муҳтож, шунинг учун ўғлим ёнида бўлиб, ёрдамимни аямайман.

— Кўриб турганингиздек, бу суратларни кўзи ожиз болалар тасвирга туширишган, — дейди кўргазма ташкилотчиларидан бири Олег Солдатов. — Улар кўрмасалар-да, товуш ёрдамида дунёни ўзгача англайдилар. Шундай экан, уларнинг истеъдодларини намоён этишларига кўпроқ ҳаракат қилаяпмиз. Саховатли инсонлар бор экан, албатта, кўзи ожиз болаларга ёрдам берадилар деган умиддамиз.

Кўргазмадан қайтар эканмиз, ногирон бўлса ҳам ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш, ўзгалар қалбида санъатга, табиатга, қолаверса, ҳаётга меҳр-муҳаббат уйғотиш шу болаларнинг орзусига айланганлигига гувоҳ бўлдик. Шундай экан, бундай истеъдодларга ёрдам беришга шошилайлик. Зеро, фарзандлари истеъдодли бўлган юртнинг истиқболи нурафшондир.

**Сарвара ЖЎРА қизи.**

---



## Косонлик қандолатпаз

_Косон туманидаги Муғжамол маҳалласида истиқомат қилувчи Омон Сафаров қандолатчилик касбини эъзозлаб, обрў-эътибор топди. У тайёрлаётган маҳсулотларга нафақат маҳалласида, балки қўшни туманларда ҳам талаб катта. Новвот ва бошқа ширинликларга одамлар олдиндан буюртма беришади. Энг муҳими, тажрибали қандолатпаз бу касбни фарзандларига ҳам ўргатмоқда._

**СУРАТДА:** қандолатпаз Омон Сафаров ўғли Жаҳонгир билан.
Нурмамат **АЛИМУРОДОВ** олган сурат.

---

# ХАТЛАР сўзлайди

_Яхшилик_

## Фахрийлар мамнун

**_2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши муносабати билан кўпгина корхона, ташкилотларда хайрли ишлар амалга оширилмоқда._**

Яқинда “Ўзбекистон почтаси” Давлат акционерлик компаниясида Тошкент шаҳридаги почта корхоналарида узоқ йиллар хизмат қилиб, ҳозирги кунда пенсияда бўлган кексалар учун Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди. Икки кун мобайнида улар шаҳардаги тарихий обидаларни томоша қилдилар.

**С. ҚОСИМОВА.**

_Ажабо_

## Бунисига нима дейсиз?

**_Мен раҳбарлик қилаётган “Меҳнатобод” фермерлар уюшмасига қарашли 14-мактабнинг бир гектарлик ер участкаси ва спорт майдони бор._**

Унинг бир қисми педагогик кенгаш қарори билан ҳар йили ўқитувчиларга ижарага берилади. Ҳосилдан олинган даромаднинг маълум бўлаги мактабни таъмирлаш, ободонлаштириш ва турли тадбирлар ўтказиш учун сарфланади. Бироқ, бугунга келиб ушбу майдон туман мутасаддилари кўрсатмаси билан тўрт кишига ўн сотихдан бўлиб берилди. Ҳукуматимиз томонидан мактаблар моддий базасини, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётган бир пайтда мактабнинг мулкини талон-торож қилаётганларнинг бу ишини қандай тушунмоқ керак?

**К.ЭШНОРОВ.**
**Чироқчи тумани.**

_Афсус_

## Ваъдабозлик

**_Биз Навбаҳор туманига қарашли С.Жўраев номли хўжаликда истиқомат қиламиз. Электр ва газ масаласида жуда қийналаяпмиз._**

Кун бўйи ёнмаган чироқ кечга бориб йилт этадию, яна ўчади. Бунга ўчакишгандек ҳаво сал айниди дегунча газдан ҳам маҳрум бўламиз. Мутасаддилар текширамиз, кўрамиз, тузатамиздан нарига ўтишмайди. Арзимизни тинглашар деб сизларга мурожаат қилдик.

**Х.ҲАСАНОВ** ва бошқалар.
**Навоий вилояти.**

_Наҳотки_

## Қай бири афзал?

**_Янгиқўрғон шаҳарчасидаги туманлараро вилоят 2-қон қуйиш маркази беморлар учун зарур бўлган донор қони ва зардобни қайта тайёрлашда беминнат хизмат кўрсатаётганди._**

Унинг хизматидан баҳраманд бўлаётган Бағдод, Бувайда, Учкўприк туманларининг аҳолиси энди 90-100 километр йўл босиб, Фарғона шаҳрига қатнашга мажбур бўладилар. Чунки бу муассаса уч туман беморларига донорлик қони ва унинг зардобини етказиб бериш бўйича таянч муассаса ҳисобланади. Наҳотки, вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси эл-юртга тиббий хизмат кўрсатиш шароитларини яхшилаш ўрнига, оғирлаштиришса?

**Маъруфжон МАТЁҚУБОВ** ва бошқалар.
**Бувайда тумани.**

---

# ҚВПлар талаб даражасидами?

Давлатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларни жадаллаштиришга катта эътибор қаратаётган экан, бунинг замирида энг аввало жойларда, хусусан, олис қишлоқларда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, муолажа сифати ҳамда самарадорлигини оширишдек эзгу мақсадлар ётади. Аксарият ҚВПларнинг ЭКГ, дистилятор, омпулипульс, гидропульт, УВЧ, дарсенвал, лазер сингари илғор тиббий асбоб-анжомлар билан таъминлангани қишлоқларда истиқомат қилувчиларнинг зарур ҳолларда дардига даво истаб туман марказлари ёки шаҳарлардаги шифохоналарга қатнашдек мушкулдан халос қилди. Буни Жалолқудуқдаги қишлоқ шифохоналари фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Кейинги йилларда «Сиҳат-саломатлик», «Ҳамзаобод», «Дўстлик», «Тешик тош» ҚВПлари учун кўркам бинолар қурилди, — ҳикоя қилади туман марказий шифохонаси бош врачи Абдуваҳоб Исмоилов. — «Ибн Сино», «Иттифоқ», «Олмазор», «Амир Темур», «Қатортол» ҚВПлари эса капитал таъмирланган ва ҳар жиҳатдан талабга жавоб берoладиган биноларга кўчиб ўтди. Шундай қилиб, ҚВПларимиз сони 18 тага етди. Бироқ бу қурилиш ишлари охирига етказилди, дегани эмас. Меҳр ва мурувват йилида «Ойим», «Ўзбекистон беш йиллиги» ширкат хўжаликларида янги иншоотлар қад ростламоқда. Ундан кейин «Ёрқишлоқ» ширкат хўжалигининг Ҳақиқат, Амир Темур номли ширкат хўжалигининг Ҳасанқовоқ қишлоқлари ҚВПлари учун муҳташам бинолар қуришга навбат келади.

Хўш, қишлоқ шифохоналари шинам биноларга эга бўлаётган ва замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланаётган экан, тизимда қандай ўзгаришлар содир бўлди? Шифокорлар хизматидан кўнгил тўляптими? Дори-дармонлар етяптими? Аҳоли ўртасида турли хасталикларга чалинишлар камайдими?

— Оналар ва болалар саломатлигини сақлаш ҳамиша эътиборимизда, — сўзини давом эттиради бош шифокор. — Лабораториялар ишини йўлга қўйиб олдик. Марказий шифохонада ташкил этилган «Саломатлик маркази» ва «Тараққиёт» маркази тиббий ходимлари билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда. Туғилиш оралиғидаги кўрсаткичлар яхшиланди. Чақалоқлар ўлими 1999 йилдагига нисбатан 18,4 фоизга, юқумли касалликларга чалиниш 54,9 фоизга камайди.

Биз Булоқбоши тумани шифохоналарида, айниқса, ҚВПларда бўлганимизда афсуски бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдик.

— Келганимга уч кун бўлди, — дейди шошилинч тиббий ёрдам бўлимида даволанаётган Қобилжон ака Абдуллаев, — кунига 1,5-2 минг сўмдан дори-дармон сотиб олаяпман.

Тошкечик қишлоғидан келган отахон Абдумухтор Ҳамидов ҳам нафас қисиш хасталигига чалинганини, зарур дори-дармонларни ўз ёнидан харид қилаётганини айтди.

## Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Туманнинг Кулла қишлоғидаги «Тез ёрдам» аталмиш даргоҳида бўлганимизда бундан-да ачинарли манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бор-йўғи иккита каталакдай ҳилвираб қолган хона. Ташқарида биқинига «Тез ёрдам» деб ёзилган машина қаровсиз ётибди.

— 19 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатамиз, — дейди ўзини фельдшерман деб таништирган Дилрабо Аҳмаджонова. — Кунига 25-30 бемор келади. 7-8 километр масофага пиёда боришга мажбурмиз. Телефон ишламайди. Абдумўмин деган йигитнинг қўли синиб қолди. Қани, машина топилақолса. Бир амаллаб туман марказидаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимига олиб бордик.

— Биринчи тез тиббий ёрдам учун зарур бўладиган 22 хил дори-дармон борми?

— Январь ойида умуман дори-дармон беришмади. Февралга ўтиб 12 хил дори олдик, — суҳбатга қўшилди шифокор Зилола Омонова. — Ҳатто оддий бинт, пахта, шприц ҳам йўқ бизда.

— Ичимлик сувини маҳалладан ташиб келамиз, — ҳасратидан чанг чиқди Тўғрисув қишлоқ врачлик пунктида ишловчиларнинг, — биздаям УЗИ йўқ. Кундузлари электр қуввати узилиб қолиши оқибатида физиотерапия муолажаларини қониқарли ўтказа олмаяпмиз. Беморларнинг кундузи ётиб даволанишлари учун ёстиқ, чойшаб йўқ. Бино яқинда қуриб битказилганига қарамай ҳозирданоқ айрим жойлари таъмирталаб бўлиб қолди.

Жўраполвон Ғоипов номидаги қишлоқ врачлик пункти бош шифокори Ҳамидахон Муҳитдинованинг таъкидлашича, 4836 нафар аҳолининг кунига яраб турган УЗИни яқинда марказга олиб кетишди. Ингалятор аппарати етишмайди. Бир ярим минг нафар туғиш ёшидаги аёл гинекологнинг доимий назоратида бўлиши, зарур маслаҳатларни олиши керак. Бу ерда нима бўляпти? Гинеколог ҳафтада бир марта кўриниш бериш билан кифояланади.

Бош шифокор М. Турғунов эса кўпроқ марказий шифохонанинг болалар бўлими таъмирдан чиқарилаётганини, Андижон кўчаси ҳамда Ойбек номли ширкат хўжалигидаги дала шийпонлари ҚВПга мослаштирилаётганини пеш қилади. Мавжуд 14 та ҚВПнинг бор-йўғи 2 таси ЭКГ аппарати билан таъминлангани, шифохоналарнинг аксарияти ичкарисига тоза ичимлик суви кириб бормагани, сиҳатгоҳларда беморларни зарур дори-дармонлар билан 70 фоизга таъминлаш имкони бўлгани ҳолда, юқоридаги ҳолатларнинг келиб чиқиши сабаблари хусусида эса лом-мим демайди.

Хўш, бу каби масъулиятсизликка, ҳафсаласизликка ким барҳам беради? Ёки бўлмаса шифохона атрофидаги чиқиндиларга ҳар куни неча марталаб кўзи тушадиган шифокор томошабиндан ўзгага ярамаса. Шўролар давридаги қайдномаларни неча бор тўлдирса-да, уни янгилаш хаёлигаям келмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бу каби иллатларни таг-томири билан тугатиш учун юқоридан топшириқ олиш шартми?

Жалолқудуқ туманидаги қишлоқ врачлик пунктларига дардига даво истаб бораётганларнинг кўп ҳолларда кўнгли тўлмаётгани шундан эмасми?

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

